



## I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-сентябрь ойлари давомида вилоятнинг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 3874,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 157,7 фоизни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбати 44,2 фоизни ташкил қилиб, 2017 йил январь–сентябрга нисбатан 157,7 фоизга ошди.



### Асосий капиталга киритилган марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари



Вилоятда 2018 йил январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган марказлашмаган инвестициялар 2181,1 млрд. сўмни, ўсиш суръати, 131,4 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 56,3 фоиз)ни ташкил этди. Марказлашган инвестициялар ҳажми 2018 йил январь-сентябрь ойларида 1693,7 млрд сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 208,7 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 43,7 фоиз)ни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>3874,8</b>	<b>157,7</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>1693,7</b>	<b>208,7</b>	<b>43,7</b>
бюджет маблағлари	121,7	146,2	3,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	178,2	169,4	4,6
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл инвестициялар ва кредитлари	1393,8	223,6	36,0
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2181,1</b>	<b>131,4</b>	<b>56,3</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	688,3	166,8	17,8
аҳоли маблағлари	662,1	98,1	17,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	149,9	170,8	3,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	543,7	131,4	14,0
Бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	110,6	1,7 марта	2,9
Бошқа ташкилотларнинг қарз маблағлари	26,5	41,2	0,6

## Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши



### 2018 йил январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби



	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>3874,8</b>	<b>581,5</b>	<b>3293,3</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	2747,1	511,7	2235,4
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	927,5	51,5	876,0
Бошқа ҳаражатлар	200,3	18,3	182,2

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан қурилиш-монтаж ишларни 167,3 фоизли пунктга кўпайди, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати 147,4 фоизли пунктга кўпайди бошқа ҳаражатлар 133,4 фоизли пунктга кўпайган.

**Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

Январь-сентябрь

Январь-сентябрь



- Уй-жой қурилиши
- Ташиш ва сақлаш
- Электр,газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш
- Ишлаб чиқариш саноати
- Бошқа фаолият турлари
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2018 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 829,1 минг кв.м. бўлган 6004 та хонадон (2017 йил январь-сентябрь ойлари якунига нисбатан 94,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 592,3 минг кв.м 4334 та хонадон (93,5 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 860,2 млрд. сўми ёки 67,9 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва қайта таъмирлашда 43,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган жами инвестицияларнинг 3,5 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 49,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,9 фоизини ташкил қилди.


Коммунал қурилиш соҳасида 73,4 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-сентябрь ойлари якунига нисбатан 54,7 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 298,1 млн.сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-сентябрь ойларида 1320,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 14,1 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан бажарилган умумий ҳажмининг 76,7 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсими (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1239,6 млрд.сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,9 фоизни (2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан ўсиш суръати 103,1 фоизни) ташкил қилди.